



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2020-yil “25” noyabr

Қ-640 -son

Termiz sh.

Термиз тумани “Сурхон Янгиариқ” массиви “Қорахон” маҳалласи ҳудудидан “LION-GAS-OIL” МЧЖга “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси”ни қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон фармонининг 5-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Энергия самарадорлиги ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 21 июндаги 06-06-29-35-сон йиғилиш баёнига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 03-02/780-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 22 октябрдаги 01-08/371-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 ноябрдаги 03-02/780-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Янгиариқ” массиви “Қорахон” маҳалласи ҳудудидан “LION-GAS-OIL” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 15қ-дала контуридаги 0,90 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов) ва Термиз тумани

ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов